

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВА ИСТОДА АБДУЛАТИФОВНА**

**ЛИНГВОМАДАНИЙ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ҲАМДА УНИ БАРТАРАФ  
ЭТИШ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Расулова Истода Абдулатифовна**

Лингвомаданий интерференция ҳамда уни бартараф этиш йўл-йўриқлари..... 3

**Расулова Истода Абдулатифовна**

Лингвокультурная интерференция и способы её преодоления..... 23

**Rasulova Istoda Abdulatifovna**

Linguocultural interference and ways to overcome it..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 50

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВА ИСТОДА АБДУЛАТИФОВНА**

**ЛИНГВОМАДАНИЙ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ҲАМДА УНИ БАРТАРАФ  
ЭТИШ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида №В 2018.4 PhD/Fil647 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Элтазаров Жўлибой Данабаевич  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бакиров Поён Уралович  
филология фанлари доктори, профессор  
Зокиров Мухторали Турдалиевич  
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~77~~-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2022 йил «7» сентябрь кuni тарқатилди.  
(2022 йил «7» сентябрь даги 96 рақамли реестр баённомаси).



*М.Қ.Муҳиддинов*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

*Д.Б.Хурсанов*  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филология  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Д.Б.Уринбаева*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида жонли тилларнинг ўзаро алоқаси ва таъсири, лисоний муносабатларнинг тилнинг турли сатҳларида юзага келтирувчи ўзгаришлари хусусидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги юксак коммуникацион технологиялар даврида ижтимоий ва лисоний алоқалар жуда юқори суръатда жадаллашмоқда ҳамда ушбу муносабатлар натижасида тилларнинг турли сатҳларида ҳамда тил эгаларининг нутқида хилма-хил ўзгаришларни шакллантирмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, тиллараро алоқа туфайли юз берадиган ўзгаришларнинг энг интенсив шакли бўлмиш интерференция ҳодисасини замонавий тадқиқот усуллари билан текшириш ҳамда бу йўналишда амалга оширилган илмий изланишларнинг кўламини кенгайтириш, жумладан, она тилимизнинг айни тил ареалида мавжуд тиллар билан алоқаси ва таъсирининг намоён бўлиш шакллари чукур ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида интерференция ҳодисасининг тил ўқитиш ва нутқ ўргатиш, тил таълимидаги жараёнларга таъсирини ўрганиш, унинг тафаккур-тил-нутқ занжирида акс этувчи оқибатларини бартараф этиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш муҳимлиги мунтазам қайд этиб келинган. Бинобарин, интерференция ҳодисасининг юз бериш ва амалда бўлиш механизмининг тадқиқ этиш жамиятдаги лисоний вазият ҳамда тил, этнослар ўртасидаги муносабатлар фонида тилда вужудга келадиган структур-семантик ўзгаришларни ўрганишга кўмаклашади ҳамда бу ҳол мавзунинг долзарблигини белгилаб беради. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида икки тиллилик ва кўп тиллилик масалалари юзасидан кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, унинг маълум бир конкрет лисоний вазиятда намоён бўлиши ҳамда таълим тизимига, инсон заковати ва кўникмаларининг шаклланишига таъсири масаласи етарлича ўрганилмаган, бу ҳол интерференцияни лингвистик муаммо сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги ўзбек тилининг кўшни тиллар ва хорижий тиллар билан алоқаси, бу жараёнда тилимизнинг турли сатҳларида юз берган ўзгаришларнинг лисоний табиати ва мақомини ўрганиш бўйича жиддий ютуқларни қўлга киритди. «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»<sup>1</sup>. Шу билан бирга интерференция ҳодисасининг лингвистик табиати, содир бўлиш механизмининг шакллантирувчи интралингвистик ва экстралингвистик шарт-шароитларни, унинг хорижий тилларни ўқитиш усуллари ва методикасини ишлаб чиқишда тутган ўрнини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь, № 218 (7448).

хар томонлама пухта ўрганиш муайян назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Холбуки, ўзбек тилининг кўшни тиллар ва хорижий тиллар билан алоқаси давомида юзага келган лисоний ўзгаришлар парадигмасини тил сатҳларига кўра илмий тадқиқ этиш, ички ва ташқи тил факторларини замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан текшириш лозим. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг ўзбек тилшунослиги учун долзарб эканлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 20 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиллараро алоқалар ва интерференция муаммолари бўйича хорижий ва ўзбек тилшуносликларида бир қанча салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Ғарб тилшунослигида тиллараро алоқалар ҳақидаги тадқиқотлар XIX аср охирларида юзага келган эди. Жумладан, тилшуносликка «тилларнинг аралашуви» деган тушунчани олиб кирган Ҳ.Шухардт ва И.А.Бодуэн де Куртенэ бу ҳодисани «тил аралашувининг имкониятлари ҳеч қандай чекланишларни билмайди; у тиллар орасида ҳам максимал, ҳам минимал фарқланишга олиб келиши мумкин»<sup>1</sup>, «тилларнинг алоқага кириши конвертгенли лисоний ҳодисаларнинг баъзи белги ёки хоссалар жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги ва шу асосда ўзгариши»<sup>2</sup> шаклида ифодалядилар.

«Интерференция» атамаси кейинчалик Прага лингвистик мактаби томонидан фанга киритилган, зеро унинг вакиллари бир неча бор лисоний иттифоқлар, тилларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири масалаларига мурожаат

<sup>1</sup> Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. - Москва: Иностранная лит., 1950. – С.175

<sup>2</sup> Бодуэн де Куртенэ, И.А. Фонология / И.А. Бодуэн де Куртенэ // Избранные труды по общему языкознанию. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – Т.1. – С.253-361; Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Т.1.- Москва: Акад. наук СССР, 1963. – С. 362-372.

қилганлар<sup>1</sup>. Шунингдек, Л.В.Щерба, Г.Пауль, У.Вайнрайх, Э.Хауген, А.Дилбольд, Ч.Хоккет, В.В.Климов, В.Й.Розенсвейг, Л.Н.Кавилин, Т.Баллиашвили, В.А.Виноградов, А.Е.Карлинский, Н.Б.Мечковская, В.В.Алимов, Ф.С.Ахмеджанова, Р.Алишева<sup>2</sup> каби бошқа таниқли тилшунослар билингвизм, полингвизм ходисалари фонида юзага келадиган интерференция ходисаси хусусида жиддий тадқиқотларни амалга оширган.

Ўзбек тилшунослигида туркий (ўзбек) тилни араб, форс, сўғд, хоразмий тиллари каби тиллар билан қиёслаб ўрганиш Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий томонидан бошлаб берилганлиги маълум. Жумладан, ўз даврида Маҳмуд Кошғарий баъзи туркий халқ ва элатларнинг икки тилли эканини ва бунинг натижасида уларнинг тилида «бузуклик» кузатилиши ҳақида айтиб ўтган эди<sup>3</sup>.

XX асрнинг 20-йилларидан эътиборан муаммонинг турли тарафлари Е.Поливанов, А.Боровков, У.Турсунов, Б.Ўринбоев, Х.Дониёров, К.Юсупов, Д.Ишондадаев, Ҳ.Ғуломов, О.Азизов, Ж.Бўронов, Т.Раҳмонов, М.Мирзаев, Э.Панасенко, Л.Назарова, Н.Ғуломова, М.Зокиров, С.Зокирова, Ш.Жўраев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида маълум даражада ёритиб берилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Лингвистический энциклопедический словарь / гл. ред. В.Н.Ярцева. – М.: Сов. энциклопедия, 1990. – С.124.

<sup>2</sup> Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т. I. – Л., 1958. – 184 с.; Пауль Г. Принципы истории языка. – Москва: Иностранная лит., 1960. – 499 с.; Вайнрайх У. Языковые контакты. – Киев: Вища школа, 1979. – 263 с.; Верещагин Е.М. Понятие «интерференция» в лингвистической и психологической литературе // Иностранные языки в высшей школе. – М., 1968. – №4. – С.260; Haugen, E. Bilingualism in the Americas: A bibliography and research guide. Publications of the American dialect society. – No. 36. – Alabama: University of Alabama Press, 1956; Diebold, A. Incipient bilingualism // Language. – 1961. – V. 37, №1. – P.98; Hockett, Ch. A Course in Modern Linguistics, No.4. – N.Y., 1958. – 621 p.; Климов В.В. Языковые контакты// Общее языкознание: формы существования, функции, история языка. – М., 1970. – 604 с.; Розенсвейг В.Ю. Языковые контакты. – Л.: Наука, 1972. – 536 с.; Ковылина, Л. Н. Синтаксическая интерференция и способы ее изучения: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Киев, 1983. – 24 с.; Балиашвили, Т. Интерференция как проблема двуязычия. – Тбилиси, 1988. – 213 с.; Виноградов В.А. Интерференция // Лингвистический энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева. – М.: Сов. энциклопедия, 1990 – 685 с.; Карлинский А.Е. Взаимодействие языков: билингвизм и языковые контакты. Алматы., 2011. – С.264; Мечковская Н.Б. Языковой контакт // Общее языкознание, Минск, 1983, С.368; Алимов В.В. Интерференция в переводе: дис. док. филол. наук. – Москва, 2004. – 260 с.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. – Тошкент, 1960. – Б. 65-66.

<sup>4</sup> Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. – Ташкент, 1934. – 182 с.; Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие. Москва, 1952. – С.15-19.; Дониёров Р. Рус тилидан ўзлашган шахс номлари: филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 1965. – 22 с.; Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 174 с.; Гулямова Н. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Тошкент: Фан, 1985. – 175 с.; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент: Фан, 1974. –114 с.; Ишондадаев Д. Некоторое особенности словообразования в таджикских и узбекских говорах Наманганских группы районов (к проблеме таджикского в узбекского языкового взаимоотношение). автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. – 22 с.; Гулямов Х.Г. Узбекско-таджикские языковые связи (лексико-этимол. исследование) – Ташкент: Фан, 1983. – 167 с.; Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари. –Тошкент: Фан, 1969. – 156 с.; Панасенко Э. Д. Семантико-синтаксические особенности узбекско-русской интерференции (на материале русских слов в узбекской устной обиходно-бытовой речи): дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 167 с.; Ражабова Р. Сопоставительный анализ лексических единиц таджикского и узбекского языков в условиях взаимодействия: дисс. канд. филол. наук. – Душанбе, 2007. – 23 с.; Джаборов Б. Номинации значений свойства в таджикском и узбекском языках. дисс. канд. филол. наук. – Хўжанд, 2009. – 26 с.; Хидиров Р. Лексические изменения таджикского и узбекского языков конца XX - начала XXI веков. дисс. канд. филол. наук. – Хўжанд, 2009. – 21 с.; Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши: филол. фан номз. дисс. –Тошкент, 2007. – 148 б.; Жўраев Ш. Билингвизм шароитида тожик ва ўзбек тилларининг лексик сатҳдаги ўзаро алоқалари: филол. фан. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 44 б.

Ушбу тадқиқотда билингвизм, трилингвизм шароитида ўзбек жамиятидаги лисоний алоқалар, уларнинг интерференция ходисасининг юзага келишидаги социолингвистик, психолингвистик ва лингвомаданий асос бўлиб хизмат қилиши, интерференция ходисасининг юз бериш механизмлари, унинг турли тил сатҳларида намоён бўлиш шакллари, интерференцияни вужудга келтирувчи интра- ва экстралингвистик факторларни Самарқанд шаҳридан, билингвизм ва трилингвизм мавжуд бошқа ҳудудлардаги респондентлардан, шунингдек, таржима асарларидан тўпланган материаллар асосида тадқиқ этиш амалга оширилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспектда)» мавзусидаги тадқиқот режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тиллараро алоқанинг интенсив шакли бўлган интерференция ходисасининг лисоний табиати, кўптилли муҳит – билингвизм, трилингвизм (рус-ўзбек, тожик-ўзбек, тожик-ўзбек-рус) шароитида тил ўрганишни енгиллаштириш; тил ўқитишда, ўрганишда юзага келадиган интерференция билан боғлиқ хатоликларнинг олдини олиш ва тузатиш; кишиларда нутқ маданияти ҳамда сўзлашув одобини шакллантиришда интерференциянинг салбий оқибатларини камайитириш каби масалаларни ёритишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

интерференциянинг ўрганилиш тарихига доир масалаларни тадқиқ этиш, тиллараро интерференциянинг жаҳон, рус, ўзбек тилшунослигида ўрганилиши масалаларини ёритиб бериш;

интерференцияни вужудга келтирувчи лингвомаданий, ижтимоий асослар, тил муҳити ва лисоний вазият, тил сиёсати каби экстралингвистик факторларнинг тил ўрганиш ҳамда сўзловчилар нутқида интерференция ходисасининг шаклланиши масалаларини тадқиқ этиш;

рус ва ўзбек, тожик ва ўзбек тиллари ўртасидаги кўп тарафлама (лексик, фонетик, грамматик, фразеологик) алоқалар натижаси ўлароқ, бу тилларда сўзлашувчилар нутқида вужудга келувчи интерференция шакллари нутқ материаллари асосида кўрсатиб бериш;

билингвизм ва трилингвизм шароитида муайян тилга хос лисоний хусусият, қолип ва шаклларни ўзга тилга кўчиришнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик ҳамда фразеологик масалалари, нутқий жараёнда хотирадан тегишли шакл ва унсурларни танлашда юзага келадиган интерферентив ҳолатларни очиб бериш;

интерференция туфайли вужудга келувчи фонетик, лексик, грамматик ва синтактик-услубий хато ва камчиликларни, лисоний вазият, озиқ-овқат фармацевтик хавфсизлик учун туғдирадиган таҳдидларни аниқлаш ва уларни тузатиш йўллари тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд шаҳри ва бошқа тегишли ҳудудларда яшовчи билингв ва трилингвлар нутқидан йиғилган материаллар,

шунингдек, талабалар ва мактаб ўқувчиларида ўтказилган амалий тажрибалар натижалари (рус гуруҳларида таҳсил олувчи рус, ўзбек, тожик талабалар), озиқ-овқат йўриқномаларининг матни, дори-дармон йўриқномаларининг матни, Садриддин Айнийнинг «Одина» асари танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** тожик ва ўзбек, рус ва ўзбек билингвизми шароитида тил ўрганиш жараёнида юзага келадиган интерферентив камчиликлар, хатоликларнинг қиёсий-типологик хусусиятларини Самарқанд вилояти материаллари асосида тавсифлаш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий ва қоғиштирма таснифлаш, тавсифлаш, этнолингвистик, синхрон, аналитик, қиёсий-типологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тиллараро алоқаларнинг мазмун ва ифода асосидаги асимметрик муносабатларнинг мавжудлиги, маълум бир тилнинг семантик ва ифодавий хусусиятларини бошқа тилга ментал трансформациялаш орқали лисоний кодларни алмаштириш ва узатиш ҳолларининг тиллараро интерференция ҳодисаларининг марказида ётиши асосланган;

билингв ва трилингвларнинг тафаккурида грамматик ва лексик интерференцияга йўл очадиган оралик «аралаш» лисоний зонанинг шаклланиши, турли хил тил тизимлари унсурларининг бу зонада тўпланиши ҳамда фикрни интерферентив йўл билан ифодалаши аниқланган;

ўзбек-тожик, ўзбек-рус билингвизми, ўзбек-тожик-рус трилингвизми ҳолатларининг ижтимоий алоқаларга таянувчи социоллингвистик ва маданий ҳамда ментал алоқаларни ўз ичига олувчи лингвокультурологик аспектлари аниқланиб, лингвистик ва металингвистик трансформация натижасида юзага келадиган фонетик, морфологик, лексик, синтактик, фразеологик интерференция, уларнинг жамиятдаги лисоний вазиятга, фармацевтик ва озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларининг лисоний мулоқот билан боғлиқ тарафлари очиқ берилган;

Самарқанд шаҳрига хос билингвизм ва трилингвизм ҳоллари тиллараро алоқалар ва таъсир, ижтимоий-таълимий жараёнлар, тиллараро муштараклик ва номуштараклик, тил эгасининг ижтимоий-маданий ва таълимий мақоми каби жиҳатлар билан боғлиқ эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тил ўқитишда, хорижий тил таълимида вужудга келадиган интерференция билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш, тил таълимида она тили ва хорижий тил ўқитувчиларининг филологик билимларини, таълим бериш методикасини юксалтириш, тилларнинг асосий лисоний хусусиятларини теран англашига хизмат қилиши кўрсатилган;

интерференция ҳодисаси натижасида алоқа-аралашувда вужудга келадиган муаммоларга, нутқ маданияти ва одобдаги бузилишларга ечимлар таклиф этилган ва бу фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Самарқанд шаҳри ва бошқа тегишли ҳудудларда яшовчи билингв ва трилингвлар нуткидан йиғилган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, тилшунослик назарияси, лингвокультурология, психоллингвистика, прагмаллингвистика, социоллингвистика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ-равшан қўйилганлиги, тадқиқотга жалб қилинган ишончли манбалар асосида қўлланган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, чиқарилган хулосаларнинг аниқ тадқиқотлар натижасига асослангани, локал билингвизм ва трилингвизм масалаларига тадқиқ этилаётган тилларнинг лингвистик табиатидан ҳамда лингвотипологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий ёндашилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда фойдаланилган замонавий ёндашувлар асосида интерференцияни вужудга келтирувчи лингвомаданий, ижтимоий асослар, рус ва ўзбек, тожик ва ўзбек тиллари ўртасидаги кўп тарафлама алоқалар, тил муҳити ва лисоний вазият, тил сиёсати каби экстралингвистик факторларнинг тил ўрганиш ҳамда сўзловчилар нуткида интерференция ходисасининг шаклланиши масалаларини тадқиқ этилганлиги билан асосланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулосалар аввалги вақтлардан ҳамда мустақиллик йилларида жамиятимизда шаклланган билингвизм ва трилингвизм ҳолатларини теран тадқиқи учун, тил вазиятини объектив баҳолаш учун муҳим илмий-назарий материаллар беради, нутқ маданиятини ошириш, давлат тилини чуқур ўрганиш бўйича, шунингдек, чоғиштирма тилшунослик, ўзбек диалектологияси, қиёсий фонетика, морфология каби соҳавий фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалари, икки тилли ва кўп тилли луғатлар тайёрлашда муҳим амалий материал бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек жамиятидаги билингвизм ва трилингвизм, бу лисоний муҳитларда кишилар нуткида вужудга келувчи интерференция ходисасини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тиллараро алоқаларнинг мазмун ва ифода асосидаги асимметрик муносабатларнинг мавжудлиги, маълум бир тилнинг семантик ва ифодавий хусусиятларини бошқа тилга ментал трансформациялаш орқали лисоний кодларни алмаштириш ва узатиш ҳолларининг тиллараро интерференция ходисаларининг марказида ётишига асосланган хулосалардан 2012–2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил, 7 сентябрдаги 17.01/165-сон

маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалий қўллаш фундаментал лойиҳа доирасида тайёрланган илмий мақолалар ҳамда монографиялар, бадиий матн ва нутқ ҳақидаги олиб борилган тадқиқотларнинг илмий савиясини оширишга хизмат қилган;

биллингв ва трилингвларнинг тафаккурида грамматик ва лексик интерференцияга йўл очадиган оралик «аралаш» лисоний зонанинг шаклланиши, турли хил тил тизимлари унсурларининг бу зонада тўпланиши ҳамда фикрни интерферентив йўл билан ифодаланиши хусусидаги хулосаларидан 2017–2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил, 7 сентябрдаги 17.01/218-сон маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва луғатларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

биллингвизм ва трилингвизм ҳоллари тиллараро алоқалар ва таъсир, ижтимоий-таълимий жараёнлар, тиллараро муштарақлик ва номуштарақлик, тил эгасининг ижтимоий-маданий ва таълимий мақоми каби жиҳатлар билан боғлиқ эканлиги далилланган хулосаларидан Туркия Республикаси Фират университети «Ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар» кафедрасида «Çağdaş Özbek Edebiyatı», «Özbek Türkçesi Grameri» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмалари, дарс материаллари тайёрлашда ўзбек халқининг минтақадаги халқлар билан маданий-лисоний алоқалар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилган, шунингдек, 2019-2020 ўқув йилида 1. ÇTL 311 Özbek ve Yeni Uygur Türkçesi I; 2. ÇTL 312 Özbek ve Yeni Uygur Türkçesi II; 3. ÇTL 535 Çağdaş Özbek Edebiyatı; 4. ÇTL 508 Özbek Türkçesi Grameri каби фанларнинг ўқитилишида ҳам фойдаланилган (Туркия Республикаси Фират университети «Ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар» кафедрасининг маълумотномаси). Натижада ушбу кафедрада ўтирилаётган ўзбек тили ва адабиёти фанларининг дарс сифати ошган, талабаларнинг дарс материалларини тўлақонли ўзлаштирилишига эришилган.

ўзбек-тожик, ўзбек-рус биллингвизми, ўзбек-тожик-рус трилингвизми ҳолатларининг ижтимоий алоқаларга таянувчи социолингвистик ва маданий ҳамда ментал алоқаларни ўз ичига олувчи лингвокультурологик аспекти аниқланиб, лингвистик ва металингвистик трансформация натижасида юзага келадиган фонетик, морфологик, лексик, синтактик, фразеологик интерференция, уларнинг жамиятдаги лисоний вазиятга, фармацевтик ва озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларининг лисоний мулоқот билан боғлиқ тарафлари очиқ берилган илмий-амалий тавсиялар ва материаллардан Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш йўналишидаги фаолияти ва тадбирларида, жумладан: бадиий таржимада юзага келадиган интерферентив хатоликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш йўл-йўриқлари ҳақида тушунча; образларнинг ўзига хослигини кўрсатиш учун унинг асар персонажларининг ўз нутқида параллел фойдаланиши ҳақида айтилган хулосаларидан бадиий кенгаш ва бадиий семинарнинг фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси Бошқарувининг 2021 йил, 23 октябрдаги № 81-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш Ёзувчилар уюшмасида ижодкор ёшлар билан ишлашда кўл келган, ижодкорларнинг бадиий маҳорати ҳамда лисоний салоҳиятини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп қилиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 147 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лингвомаданий алоқалар маҳсули саналадиган интерференциянинг моҳияти**» деб номланган бўлиб, унда дастлаб қиёсий тилшуносликнинг юртимизда пайдо бўлиши, «интерференция» термини ҳақида тилшунослар билдирган фикрлар, унинг назарий-методик масалалари таҳлили, илмий адабиётлар шарҳи, интерференцияни шакллантирувчи экстралингвистик факторлар, тил сиёсати ва лисоний вазият ҳамда лингвомаданий интерференция масалалари кўриб ўтилган.

Бобнинг «*Интерференциянинг назарий-методик асослари (илмий адабиётлар шарҳи)*» деб номланувчи бўлимида ўзбек тилшунослигида тилларни қиёслаб тадқиқ қилиш ишлари XI асрда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат-ул адаб» ҳамда XV асрда Алишер Навоий томонидан ёзилган «Муҳокамат-ул луғатайн» асарларидан бошланганлиги, айнан «интерференция» термини Ғарб тилшунослигида пайдо бўлганлиги, тил алоқалари, икки тиллилик ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Тилларнинг аралashi бўйича кўплаб хилма-хил ва бой асарлар ёзилган бўлиб, булар орасида XX асрда тилшунослик ривожига катта ҳисса қўшган, субстрат назариясининг асосчиси италян тилшуноси Асколининг

(1829-1907) асарлари ва австриялик лингвист Г.Шухардтнинг (1842-1927) тил алоқалари ҳақидаги асарлари муҳим бурилиш ясади. «Ёш грамматиклар» лингвистик аралашини – «ташқи ва ихтиёрий», тил ўз тарихи давомида бошдан кечириши мумкин бўлган ходиса сифатида қарадилар, Г. Шухардт эса ҳар қандай тил тарихида асосий хусусият бу тилларнинг қоришишида, деб ҳисоблади.

Г.Шухардт ва И.А.Бодуэн де Куртенэ бир-бирдан мустақил равишда «тилларнинг аралашуви» деган тушунчани тилшуносликка олиб кирганлар<sup>1</sup>. Г.Шухардтнинг фикрича, «тил аралашувининг имкониятлари ҳеч қандай чекланишларни билмайди; у тиллар орасида ҳам максимал, ҳам минимал фаркланишга олиб келиши мумкин»<sup>2</sup>. И.А.Бодуэн де Куртенэнинг бош ғояси шундан иборат эдики, тилларнинг ўзаро таъсири натижасида алоҳида тил бирликларининг ўзлаштирилиши билан бирга, уларнинг шакл ва мазмун томонидаги яқинлашувига олиб келади<sup>3</sup>.

Тилларни қиёсий ўрганиш ва интерференция ходисаси ҳақида ўзбек тилшунослигида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилган. Ўзбекистонда илм-фаннинг, хусусан, қиёсий тилшунослик ва хорижий тиллар ўқитиш методикаси фанларининг ҳамда интерференциянинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишга Ж.Б.Бўронов, А.А.Абдуазизов, Д.У.Ашурова, Г.Ҳ.Боқиева, М.Джусупов, Д.Д.Жалолов, У.Ҳошимов, Л.Т.Аҳмедова, П.Ў.Бакиров, А.Т.Ирискулов, А.Й.Маматов, Н.К.Турниёзов, Ў.К.Юсупов, Д.Ишондадаев, М.Мирзаев, Р.Раҳматова, Б.Жабборов, Р.Хидиров, М.Зокиров, С.Зокирова, Ш.И.Жўраев каби олимлар қатта ҳисса қўшишган.

Мазкур бобнинг «*Интерференцияни шакллантирувчи экстралингвистик омиллар хусусида*» деб номланувчи иккинчи бўлимида ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиёт даврига назар ташланган бўлиб, ўзлашган сўз ва шакллар турли даврларда ҳар хил ижтимоий сабаблар билан кириб келгани мисоллар ёрдамида исботланган. Маданий, сиёсий, ижтимоий алоқалар натижасининг тилда акс этиши ва араб, форс-тожик, рус тилларининг ўзбек тилига таъсири Садриддин Айний, Бехбудий асарларининг таҳлили, халқ оғзаки ижоди намуналари асосида кўриб ўтилган.

Сўзловчи ўз нутқида бирон бир сўзни ишлатиш давомида шу сўзга муқобил сўз топа олмайди ёки ўзга тил тингловчисига тушунарли бўлиши учун унга таниш тил лексикасидан фойдаланади. Бундай нолисоний омиллар фан-техниканинг ривожланиши сабабли ҳозирги кунда ҳам лексикамизга шиддат билан кириб келяпти, ўз тилида муқобилини топа олмай ишлатиш натижасида лексик интерференция сўзлашув нутқидан жой оляпти. Вакт ўтиши натижасида оммалашиб нутқимизга ўрнашиб боряпти. Масалан, *телеграм, флешка, диск, принтер, инстаграм, фэйсбук (facebook)*...

<sup>1</sup> Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. – Москва: Иностранная лит., 1950. – С.175.

<sup>2</sup> Қаранг: Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. – Москва: Иностранная лит., 1950. – С.175.; Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Т.1 – Москва: Акад. наук СССР, 1963. – С. 362-372.

<sup>3</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Фонология. Избранные труды по общему языкознанию. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – Т.1. – С. 253-361.

Кўринадики, тилларнинг бир-бирига таъсирида маълум бир экстралингвистик воситалар ўз таъсирини ўтказади. Маълумки, ўтмишда араб тили маҳалий аҳолига давлат ва фан тили, айниқса, дин тили сифатида мажбуран сингдирилди. Шу билан бирга кўп асрлик алоқа тиллар ўртасида интерферентив хатоликларни вужудга келтириб, йиллар ўтиши билан баъзи бирлари адабий меъёр сифатида ўрнашиб қолган. Масалан, *гапирмоқ* феъли айнан тожик тилидаги эквивалент (*гап задан*) таъсирида интерференция усулида пайдо бўлган, туркий тилларда аслида гапириш маъноси *сўзламоқ*, *сўйламоқ*, *айтмоқ*, *демоқ* тарзида битта аслий феъл ёки отдан ясалган феъл билан ифодаланади, сўз бирикмаси билан ифодаланмайди. Бошқа туркий тилларда *гапирмоқ* феълининг мавжуд эмаслиги ҳам бу фикрнинг тўғрилигига ишора қилади.

*Зан* (*урмоқ*) феъли тожик тилида кўшма феъл ҳосил қилиш учун ишлатиладиган феъл шакли бўлиб, *гап зан* (*гапирмоқ*), *ҳаллоз зан* (*сакрамоқ*), *давру-даврон зан* (*давру даврон сурмоқ*)... (Самарқанд тожик шеvasи асосида) каби бирикмаларда қўлланади. Маълумки, ўзбек тилида кўшма феълларни ҳосил қилишда кўпроқ урмоқ феъли *оҳ урмоқ*, *жавлон урмоқ*, *қайгурмоқ* каби ярим турғун бирикмаларда қўлланади, холос.

Ўзбек-тожик лисоний алоқаларини таҳлил қилишда Садриддин Айнийнинг «Одина» асарини кўриб чиқиш жараёнида, шу маълум бўлдики, адиб ҳар икки тилни мукамал билганлиги сабабли, ҳар бир тил сўз бойлигини, жозибасини намоён қилишга ҳаракат қилган. Асарнинг 7 қисми таҳлил қилинди ва Садриддин Айнийнинг ўзбек тилида ёзган «Одина» асарида форс-тожикча сўзлардан 74 та (такрорлар ҳисобга олинмади), арабча лексик бирликлардан 89 та ишлатилганлиги (такрорлар ҳисобга олинмади) маълум бўлди.

Ўзбек ва рус тиллари алоқалари бу халқларнинг ўртасидаги иқтисодий ва маданий муносабатлар заминида пайдо бўлган. Ушбу муносабатлар Марказий Осиё чор Россияси тарафидан босиб олинишидан кейин янада кучайди. XIX аср охири XX аср бошидаёқ Муқимий, Бехбудий, Фурқат, Аваз, Ибрат сингари ўзбек маърифатпарварлари ижодида қўлланган русча сўзлар бунинг яққол далилидир. Профессор А.К.Боровковнинг кўрсатишича, 1905 йилги биринчи рус инкилобидан кейиноқ ўзбек тилига рус сўзлари ва рус тили орқали лотин-юнон ва европача сўзлар кира бошлаган<sup>1</sup>.

Шўролар даврига келиб, рус тилининг давлат тилига айлантирилиши натижасида сунъий равишда ўзбек тили ва бошқа миллий тиллар лексикасига русча сўзларнинг кенг ўрин ола бошлаши бевосита тил сиёсати билан боғлиқ ходиса эди. Бу ҳолат жадидлардан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий мақолаларини таҳлил қилиш жараёнида кўринди: *государский думага, пристав, закон, област, фўрма, поспурт, истроховайт, уезд, саъд, съезд, народний, суд, повестка, генерал-губернатор, личной, почетной, граждан, кандидатлик, бўлуствнойларимиз, истаршина* кабилар.

---

<sup>1</sup> Боровков А.К. Изменения в лексике узбекского литературного языка и новый алфавит // Изв. Уз ФАН ССР, №7. – С.31.

Бу даврда рус тилидан ўзлашган сўзлар аввал оғзаки нутқ орқали кириб келган, чунки улар ўзбеклар нутқида қандай талаффуз қилинса, худди шу ҳолатда ёзилганига гувоҳ бўлдиқ. Юқорида ажратиб кўрсатилган сўзларнинг айримлари тилимиз луғат таркибида мустаҳкам ўрин эгаллаб, ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келинмоқда.

Биринчи бобнинг «*Тил сиёсати ва лисоний вазият*» деб номланувчи бўлимида эса, тил сиёсати ва тил вазияти ҳақида сўз юритилган. Лингвистик вазият тил сиёсати билан бевосита боғлиқ тушунча бўлиб, бу ҳар қандай давлатнинг тил сиёсатини ишлаб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тиллараро алоқалар интеретник алоқалар, тил муҳити, тил вазияти ҳамда тил сиёсати каби ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлгани учун: бу жараёнларнинг натижа ва оқибатларини англатувчи бир неча тушунчалар билан танишиш ҳамда бу тушунчаларнинг тадқиқ этилаётган ҳодиса билан алоқасини текшириб кўриш фойдадан холи эмас.

Тил вазияти бу мавжудликнинг ўзига хос шакли (шунингдек, кўриниши) бўлиб, бир тилнинг ёки ўзига хос ўхшаш тилларнинг худудий ижтимоий муносабатлар ва алоҳида белгиланган географик худудлар ёки маъмурий-сиёсий таълимдаги функционал ўзаро таъсирларидир<sup>1</sup>.

Демак, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, халқлар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, маданий алоқалар албатта тилда ўз изини қолдиради, юқорида кўриб ўтилган араб, форс-тожик, рус тиллари алоқаси аввалига интерферентив хатолик сифатида қаралса, вақт ўтиши билан баъзи лексемалар луғат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Шу бобнинг охириги, тўртинчи бўлими «*Лингвомаданий интерференция*» деб номланиб, унда тил ва маданиятнинг боғлиқлиги, маданий қадриятларнинг тилда акс этиш муаммоси, ва иккинчи тилни ўрганишда лингвомаданий интерференциянинг тўсиқ бўлиши таҳлил этилган.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, яшаш муҳити, фикр ва мулоҳазаларни қабул қилиб идрок этиши унинг тилида ҳам намоён бўлади. Муайян халқ яшаётган жойининг табиати, у халқнинг иқтисодий тузуми, оғзаки ижодиёти, бадиий адабиёти, санъати, фани, урф-одатини ўзида акс эттириб, тўплаб, авлоддан авлодга етказиб бериш тилнинг миллий-маданий белгисидир. Миллий-маданий хусусиятлар тилнинг ҳамма қатламларида: лексикасида ҳам, грамматикасида ҳам, ҳатто фонетикасида ҳам мавжуд. Бироқ миллий-маданий белгилар тилнинг ҳаракатдаги бирликларида жуда аниқ намоён бўлади. Бундай тил бирликлари сўзлар, фраземалар ва паремиялардир ёки мақоллардир. Тил ўрганиш жараёнида лингвомаданий интерференциянинг олдини олиш мақсадида ўрганилаётган тил вакилларининг маданияти, урф-одатлари, тарихи билан танишиш мақсадга мувофиқ бўлиб, тил ўрганиш жараёни ва таржимани енгиллаштиради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Интерференция туфайли келиб чиқадиган социолингвистик ва ижтимоий таҳдидлар**» деб номланган

---

<sup>1</sup> Зарубежный Восток: языковая ситуация в странах Азии и Африки // Сборник статей. – М., 1967. – С. 5 -15; Шоматов О. Жанубий Осиё тилларига кириш. – Тошкент, 2003. – Б. 10-16.

бўлиб, унинг «Фонетик интерференция ҳамда унинг фонетик ва фонологик натижалари» бўлимида рус-ўзбек, ўзбек-тожик тилларининг фонетик сатҳлари ўзаро қиёсланган. Товушларни талаффуз қилишдаги фарқлар, фонологик сатҳдаги ўхшаш ва фарқли томонлар, жарангли-жарангсизлик, урғу, интонация, акцент каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбек тилининг давлат тили ва ўзбек жамиятидаги асосий коммуникатив воситаси сифатидаги мақомига фонетик интерференция туфайли вужудга келган ва тобора оммалашаётган фонетик меъёрлардан чекиниш ҳамда товушдан тортиб гапгача бўлган лисоний бирликларни нотўғри талаффуз қилиш хавф солмоқда, дейиш мумкин. Хусусан, ўзбек ва рус тилларининг фонетик тизими, жумладан, ундошлар таркиби ўртасидаги фарқлар, уларни нутқ жараёнида бири ўрнига бошқасини қўллаш асло алоқа-аралашув (коммуникация) талабларига ва эҳтиёжларига жавоб бермайди. Мутлақо бошқа артикуляцион – талаффуз механизми тиллараро алоқа ва интерференция ҳозиргидек давом этса, яқин келажакда ўзбек тилининг фонетикасини жиддий зарарлаши ва унинг азалдан ўзига хос бўлган артикуляция усулини ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Зеро, ҳар бир тилнинг артикуляцион базаси товуш аппаратининг тарихий эволюцияси натижасида шаклланади. Она тилимизнинг артикуляцион базаси нафақат ўзбек тилининг талаффуз қобилиятини, балки тил эгаси бўлмиш кишиларимизнинг фонематик эшитув қобилиятини ҳам шакллантиради. Шу каби рус тили артикуляцион тизими ҳам фақат унинг ўзига хос хусусиятдир, дейиш мумкин. Ўзбек ва рус тилларининг артикуляцион асосларининг «тўқнашуви» натижаси акцент сифатида ўртага чиқади. Аслида муайян тил эгасининг нутқида бошқа тил талаффузининг ўртага чиқиши ана шу номунатосибликларнинг натижасидир. Тилларнинг артикуляцион асослари бир-биридан ҳар хил нутқ органларининг турли хил фаоллиги ва уларнинг ҳаракатларининг турлича комбинацияси билан фарқ қилади. Рус тилининг артикуляцион базаси вокал кодларининг тебраниши ҳар хил оғзаки артикуляциялар билан бирлаштирилганлиги билан ажралиб туради: бу тил, масалан, туркий тиллардан фарқли равишда, овозли ундошларга бой. Бинобарин, лингвистик интерференциянинг замирида маълум бир тилнинг лисоний меъёрларидан бошқа тил таъсирида чекиниш ётади. Бу ҳол эса ўз навбатида нутқ ва тил дихотомиясида ҳам ўз аксини топади, яъни интерференция нутқда ва тилда кузатилади. Нутқий интерференция у ёки бу икки тилли шахс нутқидаги алоҳида меъёр ҳамда грамматик қоидалардан чекинишни ифодаласа, тилдаги интерференция ана шу индивидуал интерферентив лисоний белгиларнинг тилда тўплана бориши ҳамда уларнинг замон ўтиши билан меъёр шаклини олиши демакдир. Бу ҳол эса айни пайтда тилшунослар тарафидан «лисоний силжиш» (*инг.* language shift / *рус.* языковой сдвиг) деб аталган нохуш тил билан боғлиқ ходисанинг вужудга келганидан дарак беради. Яъни, кучли интерференция излари бўлган тилларда «рақобатчи тил» маҳаллий тилнинг нафақат сўз бойлигига таъсир қилади, балки грамматик ва фонологик тизимларини ҳам жиддий «жароҳатлайди».

Мазкур бобнинг «Грамматик интерференция ва озиқ-овқат йўриқномаларида учрайдиган интерферентив ҳолатлар», «Лексик интерференция ва дори-дармонлар йўриқномаларида учрайдиган интерферентив ҳолатлар» номли иккинчи ва учинчи бўлимларида грамматик, лексик интерференция, унинг тил ўрганишдаги таъсири, уларни баргараф этиш йўл-йўриқлари, озиқ-овқат, дори-дармон йўриқномаларида учрайдиган интерферентив хатоликлар таҳлил этилган. Интерференциянинг халқ соғлиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги каби миллий хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларга алоқадор эканлигини кўрсатади. Чунончи, кейинги йилларда чет тиллардан таржима қилинаётган технологик-тиббий ва бошқа ҳаётий муҳим соҳаларга оид ҳужжатларда ҳам истар-истамас интерферентив таржима намуналари пайдо бўлди, яъни таржималар сифатсиз, оригинал тилнинг қолипларига кўра термин, ифода, жумла қўлланган ҳамда қурилган ҳолда амалга оширилмоқда. Оригинал тил (рус тили, инглиз тили, турк тили)даги озиқ-овқат, дори ва уй-хўжалик молларининг қўлланиш йўриқномаларида, таърифномаларида, кўрсатмаларида бу ҳолни яққол кўриш мумкин.

Ҳаммамиз «пищевая сода» сифатида танийдиган озиқ-овқат содаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, маҳсулотнинг ҳар икки томонида ҳам катта ҳарфлар билан «пищевая сода» деб ёзиб қўйилган ва ишлатилиш йўриқномасида: *Применяется в пищевых продуктах в качестве регулятора кислотности* – *Озиқ-овқат маҳсулотларида нордонликни ростловчи восита сифатида ишлатилади. «Кислотность»* – сўзи «Русча-ўзбекча луғат»да кислота миқдори; кислоталилик сифатида таржима қилинган, «регулятор»<sup>1</sup> – меъёрловчи, регулятор, тартибга солувчи, бошқарувчи тарзида таржима қилинган. Шундай экан, «кислотность» сўзига нисбатан *нордонлик* сўзини ишлатиш мантиксиз ҳисобланади. Шу ўринда *кислоталикни бошқарувчи, кислота миқдорини тартибга солувчи* ҳатто *кислота миқдорининг регулятори* деб таржима қилинганида ҳам мантиқан тўғри бўлар эди. Кислоталикни тартибга солувчи воситалар кўплаб маҳсулотлар таркибида учрайди ва бу сўз бирикмасини таржима қилишда ҳар хилликлар мавжуд бўлиб уларнинг кўпи талабга жавоб бермайди. Масалан: «Дюшес» ичимлигида бу сўз бирикмаси регулятор кислотности – *ачитишни созловчи* деб таржима қилинган, «Блисс» шарбатида «*кислота созловчи*», «Energy» ичимлигида «*кислота ростлагичлари*» тарзида таржима қилинган. Бу ҳар хиллик истеъмолчиларга тушунарсиз бўлиши билан бирга уларнинг ҳуқуқларини ҳам паймол қилиши аниқ. Интерференциянинг тилга таъсири, қолдирган излари мана шунақанги жўн таржималарда яққол намоён бўлади. Рус тилидаги йўриқномаларда «регулятор кислотности» ҳамма жойда бир хил. Лекин бизларда *нордонликни ростловчи, ачитишни созловчи, кислота созловчи, кислота регулятори...* деб ҳар ким хоҳлаганича ёзмоқда, биз учун бу ҳолнинг диққатни тортувчи тарафи – бу «таржималар»нинг лексик-морфологик интерферентив хатоликлар билан амалга оширилганидир. Ишнинг бундан олдинги қисмларида таъкидлаб ўтилганидай, бу йўриқнома

<sup>1</sup> Русча-ўзбекча луғат. II том. – Тошкент, 1983, – Б.348.

ва тушунтирув ёзувлари рус ва ўзбек тилларидан бирини яхши билмайдиган, олдин она тилиси ёки таълим олган тилида фикрлаб, ўзбекчага таржима қилиб гапирадиган кишилар томонидан таржима қилинган. Бошқа тарафдан товар ва маҳсулотларнинг ёрлик ва йўриқномалари бошқа тилларда ёзилгани учун терминларнинг турғун вариантлари тилга ўрнашмаган. Шу сабабли озиқ-овқатлар ва дори-дармонларга оид энг оддий термин ва атамаларни қўллашда бир тўхтамга келинмаган, беўхшов синонимлар тил ва терминологияни босиб кетганлиги сабаби ҳам шу.

Диссертацияда 20 номдаги озиқ-овқат маҳсулотининг интерферентив гап, жумла, ифодалар билан тузилгани, ҳатто «Google translate» сервиси ёрдамида вужудга келтирилган йўриқномалари таҳлил қилинган ҳамда бундан вужудга келувчи озиқ-овқат ва фармацевтик ҳафвсизликка таҳдид тарафлари ёритиб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Уч тиллилик, икки тиллилик шароитларида интерференция ва унинг таълим-тарбия жараёнларига таъсири (Самарқанд шаҳри талаба-ёшлари нутқий фаолияти мисолида)**» деб номланади. У уч бўлимдан ташкил топган бўлиб, Самарқанд шаҳрида кундалик ҳаётда мулоқотни амалга оширувчи талабалар нутқида учрайдиган интерференцияни аниқлашга қаратилган.

